

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2019 йил 13 июнь куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Т.Мирзаев,

хайъат судьялари: Б.Вахобов ва Д.Халикназаровадан иборат таркибда, Ш.Юлдашеванинг котибалигида, Фарғона вилояти прокуратураси бўлим прокурори Ж.Дадажонов, химоячи О.Атаджанов ва судланган [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] га оид жиноят ишини унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқилганида қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 8 майдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED], [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишламаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 1 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 3 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 9 йил озодликдан маҳрум қилишга;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 25 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 58-моддаси 8-қисми тартибида, 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 9 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2016 йил 1 июлдаги ажрими билан ўталмай қолган 4 йил 3 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Кува туман судининг 2018 йил 5 ноябрдаги ажрими билан ўталмай қолган 1 йил 4 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига

алмаштирилиб, кидирув эълон қилинган, 5 ой 24 кун муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси ўталмай қолган, Қува тумани, “М.Хасанов” МФЙ, М.Хасанов кўчаси, 119-уйда рўйхатда туриб, [REDACTED] тумани, “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшаган, 2018 йил 3 ноябрда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаган ҳолда 5 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 ой 24 кун мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ундан [REDACTED]га 5.800 АҚШ долларини ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] хавфли рецидивист бўлган ҳолда, 2018 йил 12 январь куни [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] кўчаси “[REDACTED]” савдо дўкони олдида [REDACTED] билан учрашиб, унга [REDACTED] раҳбарлик қилиб келаётган “[REDACTED]” хусусий корхонасига тегишли “[REDACTED]” русумли, [REDACTED] давлат белгилари автомобилни ўзига тегишли эканлиги ва сотишлигини, ушбу автомобилни бир ой ичида номига расмийлаштириб беришини айтиб, алдаб, автомобилни 7.800 АҚШ долларига сотиб, ундан 5.800 АҚШ доллари (47.206.200 сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, фирибгарлик қилганликда айбли деб топилган.

Судланган [REDACTED] апелляция шикоятда, жабрланганга моддий зарарни қоплашини билдириб, енгиллик беришни сўраган.

Жабрланган [REDACTED] ўз эътирозномасида шикоятга эътирози йўқлигини билдирган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Мирзаевнинг маърузасини, Фарғона вилояти прокуратураси бўлим прокурори Ж.Дадажоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи О.Атаджанов ва судланган [REDACTED]ларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган [REDACTED]нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг судда қилмишига қисман иқдор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳ [REDACTED]нинг судда, ўзига тегишли “[REDACTED]” русумли автомобиласини сотмоқчи бўлганида қариндоши [REDACTED] автомобилни олди-сотдиси билан шуғулланувчи таниши борлигини айтиб, [REDACTED]ни устахонасига олиб боргани, улар йўқлиги сабабли 3 соат кутиб ўтиргани, шунда [REDACTED] чўнтагидан пулни кўрсатиб, унга олдинги 40 миллион қарзларидан бир қисмини беришини айтгани, [REDACTED] келавермагач [REDACTED] унга автомобилни ташлаб кетаверишларини, [REDACTED] яхши нархга сотиб беришини айтиб ишонтиргани, сўнг у чақирган таксида уйларига қайтишгани, қайтаётиб [REDACTED] унга 400 АҚШ доллари ва 850.000 сўм пулни олдиндан бўлган қарзи ҳисобидан бергани, уйига ташлаб қўйишгани, [REDACTED] унга пулни бериш вақтида

автомашинасини сотилган пулидан деб бермаганини, бир ой давомида бир неча маротаба [REDACTED] дан машинасини сотилган ёки сотилмаганини сўраганида вариантга яхши нархга сотиб беришади деб ишонтириб келгани, кейинчалик машинасини [REDACTED] га 7.800 АҚШ долларига сотиб, 5.800 АҚШ пулини олиб, унга бермасдан келганини билгани ҳақидаги кўрсатуви, судда сўралган жабрланган [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг кўрсатувлари, [REDACTED] томонидан ёзилган тилхатлар, нарсани кўздан кечириш ва далилий ашё деб эътироф этиш ҳақида қарор, автомашинани кўздан кечириш баённомалари, фотосуратлар ва бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, дастлабки тергов даврида тўпланган далилларни суд муҳокамасида тўлиқ ва атрофлича текшириб чиқиб, уларни баҳолаб, [REDACTED] нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ҳамда унинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Суд, [REDACTED] га жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, судларга жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтиришларига риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унинг шахсини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлиги, айбига иқдор ва пушаймонлиги, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, жазони ўташи давомида қасддан янги жиноят содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиб, иш бўйича етказилган зарар қопланмагани ва жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга санкция доирасида жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Апелляция судига судланган [REDACTED] нинг оила-аъзолари томонидан “Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Фарғона вилояти ҳудудий бўлими ҳисоб рақамига 2019 йил 4 июнь куни №00495-сон тўлов топшириқномаси билан 6.759.112 сўм пуллар тўланганлиги ҳақида қвитанция тақдим қилингани сабабли етказилган зарардан чегириш лозим.

Шу сабабли, судлов ҳайъати [REDACTED] га оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлангирмасдан қолдиришни, банк тўлов топшириқномаси билан тўланган 6.759.112 сўмни жабрланган [REDACTED] га ўтказишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-проссецуал кодексининг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

█ га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 8 майдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

“Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти” Фарғона вилояти ҳудудий бўлими ҳисоб рақамига 2019 йил 4 июнь куни №00495-сон тўлов топшириқномаси билан тўланган 6.759.112 сўм пуллар жабрланган █ га ўтказилсин ҳамда ҳукм бўйича ундириш белгиланган зарардан чегирилсин.

Раислик қилувчи: /имзо/

Ҳайъат судьялари: /имзо/

/имзо/

Т.Мирзаев

Б.Вахобов

Д.Халикназарова

Ажрим нусхаси аслига тўғри,

жиноят ишлари бўйича

Фарғона вилоят судининг судьяси

Т.Мирзаев